



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2020 йил 23 декабрь, № 270 (7772) Чоршанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Биз янги Ўзбекистон — эркин ва фаровон мамлакатда яшаймиз!

ЭЗГУ ҒОЯЛАР РЎЁБИ

Яқинлашиб келаётган 2021 йилда халқимиз тарихидаги том маънодаги буюк, оламшумул воқеа — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинганига ўттиз йил тўлади.

Яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамга тайёргарлик кўриши ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида»ги қарорга кўра, халқимиз учун энг улуғ ва азиз ушбу айём «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» ғояси асосида кенг нишонланади.

Бу улуввор ғоя кейинги вақтларда коронавирус аталмиш бўҳронга қарши курашиб, жисмию руҳида қандайдир бир толиқишни ҳис қилган юртдошларимиз қалбига ёруғ нур олиб кирди...

Ҳамжиҳатлик ва бирдамлик — энг катта куч

Дарҳақиқат, Президент қарори ватандошларимизга айнан ана шундай илҳомбахш рағбат бўлди. Халқимиз уни зўр ҳаяжон билан қарши олди.

Авалло, айтиш керакки, глобал офат — коронавирус пандемияси ҳар биримиз учун жиддий синов бўлди. Бу оғир курашда биз оилада, маҳаллада, бутун мамлакат бўйлаб жипслашдик. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ана шундай жипслаштирувчи шижоат билан йўғрилган ташаббуслари эса аллақачон мамлакатимиз чегараларидан чиқиб, миллиардлаб аҳоли яшайдиган улкан маконни қамраб олди. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарларининг ноябрь ойида ўтган саммитида сўзлаган нутқида Президентимиз глобал хавф ва таҳдидларни фақат яхши қўшничилик, тенг-

лик, ўзаро ишонч, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш каби умумий анъаналаримизни сақлаш ва ривожлантириш орқалигина энга оламиз, дея таъкидлади.

Таъбир жоиз бўлса, ҳамжиҳатлик тошдевордан ҳам мустаҳкамдир. Ана шу фикр МДХ Давлат раҳбарларининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида яна бир бор айтилди. Унда Ўзбекистон раҳбари Ҳамдўстликнинг улкан яратувчанлик салоҳиятини эътироф этар экан, фавқулодда вазиятларга биргаликда жавоб қайтариш, замонавий таҳдидларга қарши курашда янгича ёндашувлар механизмини яратишнинг долзарблигини қайд этди.

Айтиш лозимки, мамлакатимиз бутун йил давомида кескин ва таранг вазиятга қарамай, ишчанлик салоҳиятини сақлаб қолиш, бошқаларни ҳам



шунга даъват этиш билан ажралиб турди. Ҳатто кундалик ишлар ва ташвишларга қўшимча равишда мамлакатимизга

мурақаб, шу билан бирга, шарафли вазифалар ҳам юқланган эди. Мисол учун, бу, 2020 йил давомида Мустақил

Давлатлар Ҳамдўстлигида раислик қилиш масъулияти бўлди. Ушбу ташкилотга аъзо давлатлар Ўзбекистон шарафли ва-

зифага нечоғли масъулият билан муваффақиятли ёндашганини эътироф этдилар.

Акс садо

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамга тайёргарлик кўриши ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида имзолаган қарори барча юртдошларимизни тўлқинлантириб юборгани рост.

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ ТАШЛАДИК

Жойларда ўтказиладиган тадбирлар «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик» деган широк остида ташкил этилиши кўнгилдагидек иш бўлди. Чунки биз ўттиз йил давомида миллий тикланишни амалга оширдик, энди миллий тикланишдан миллий тараққиёт сари дадил қадам ташладик.

«Янги Ўзбекистон» деган иборани биз ўйлаб топганимиз йўқ. Юртимиздаги бугунги ўзгаришлар ислохотларга жавобан хорижий мутахассислар Ўзбекистонга ана шундай баҳо берапти. Олис-яқин, катта-кичик давраларда «Ўзбекистон янгиликларидир», дея эътироф этилмоқда.

Яна бир гап. «Янги Ўзбекистон» деганда, янги қурилган иморатларгина эмас,

аввалло, янгича иш услуби, инсонга янгича муносабат назарда тутиляпти. Халқ манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйиш, одамларни рози қилиш тамойилини амалга ошириш — янги Ўзбекистоннинг ўзига хос чизгилари, десак, муболаға бўлмайди.

Бугунги Ўзбекистон — эзгу ташаббусларни, тараққийпарвар ғояларни олға сурувчи мамлакат. Бу жиҳатларни ҳам жаҳон ҳамжамияти тан оляпти. Бундан хурсанд бўлмай бўладими?! Албатта, ушбу ислохотлар замирида истиқлол берган улуг неъмат — тинчлик, эркинлик, озод ва фаровон ҳаёт каби қатор хилқатлар мужассам.



ЎЗБЕКИСТОННИНГ МДҲГА РАИСЛИГИ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Мамлакатимиз раҳбари МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг онлайн мажлисидаги нутқида коронавирус пандемияси оқибатларини бартараф этишда МДХнинг улкан салоҳиятидан фойдаланиш, ўзаро савий-ҳаракатларни бирлаштириш ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш муҳимлигини алоҳида қайд этди. Ўзбекистон умумий муаммоларни ҳал қилишга янги, ноиндандар ва ўзаро манфаатли ёндашувларни биргаликда ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга тайёргилгини билдирди.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг мазкур ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорлики кенгайтиришга оид қатор таклиф ва ташаббусларини илгари сурди. МДХ мамлакатлари ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни жадал суръатларда қайта тиклаш, ҳамдўстлик доирасида «ашил» ва соддаштирилган йўлақлар амалиётини кенг жорий этиш, электрон савдонни ривожлантириш бўйича ягона платформани ишга тушириш ва «Йўл харита-

си»ни қабул қилиш каби таклифлар шулар жумласидандир.

Айниқса, саноат кооперацияси бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш, санитария талабларига қатъий риоя этган ҳолда ўзаро авиақатновларни имкон қадар тез фурсатда қайта йўлга қўйиш, МДХ мамлакатларида меҳнат фаолиятини олиб бораётган фуқароларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида меҳнат мигрантлари ҳужжатларини ўзаро тан олишининг яго-

на механизмни яратиш ва бу соҳада алоҳида дастур қабул қилиш каби таклифлар ниҳоятда ўринли ва долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан билдирилган ана бир муҳим таклиф — Ўзбекистонда «МДХ мамлакатлари маданий мероси» конференциясини ўтказиш ғояси, шубҳасиз, Ҳамдўстлик доирасида маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш имконини беради.

Афғонистонда тинчлик ўрнатиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди ва жафоқаш афғон заминда тинчлик ўрнатиш бўйича савий-ҳаракатлар, хусусан, афғонлараро тинчлик жараёнини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозимлиги яна бир бор қайд этилди.



«Халқ сўзи» учун махсус

ВЕНГРИЯ ПАРЛАМЕНТИДА ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ДЎСТЛИК ГУРУҲИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Венгрия Миллий мажлисида «Венгрия — Ўзбекистон» парламентларо дўстлик ва ҳамкорлик гуруҳи тузилди.

Ўзбекистон элчихонасидан маълум қилинишича, гуруҳга Миллий мажлис вице-спикери, Венгрия парламентининг Марказий Осие мамлакатлари билан дўстлик гуруҳи раиси Шандор Лежак раҳбарлик қилади. У Венгрия парламентида 20 йилдан ортқ иш тажрибасига эга. 2013 йил Венгрия Миллий мажлиси расмий делегацияси таркибида Ўзбекистонга ташриф буюрган.

«Венгрия — Ўзбекистон» парламентларо дўстлик гуруҳи Ўзбекистон Олий Мажлиси ва Венгрия Миллий мажлиси ўртасидаги икки томонлама алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши, шубҳасиз, маълумот ўрнида айтиш жоизки, жорий йил ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Венгрия Миллий мажлиси билан ҳамкорлик бўйича парламентларо гуруҳи ташкил қилинган эди.

«Дунё» АА. Будапешт

«КЎРИНМАС ЁВ» ЁНИМИЗДА: ЭҲТИЁТ БЎЛАЙЛИК!

БЕПАРВОЛИК — Ўзингизга, яқинларингизга, халқимизга хиёнат.

Бугун башарият синови ва оғир кунларни бошдан кечирмоқда. Коронавирус пандемияси дунёни серҳаракат ҳаётдан тўхтаб қўйгани ҳеч кимга сир эмас.

Бу касаллик, афсуски, халқимизни ҳам ўз исканжасига олди. Бироқ кўнгилга таскин-тасалли берадигани — Президентимизнинг қатъий иродаси, оқилона ёндашуви натижасида юртимизда эпидемиологик вазият анча яхшиланди.

Огоҳлик

Тан олишимиз керак, хавфли инфекцияга қарши курашиш ва унинг оқибатларини бартараф этиш бўйича қўлга киритилган ютуқларга осонликча эришилгани йўқ. Ўрнатилган карантин тартиблари сабаб баъзи кор-

хона ва ташкилотларда иш тўхтатилади ёки уларнинг фаолиятида узилишлар рўй берди. Шу сабаб кўплаб юртдошларимиз ишидан, даромадидан айрилди.



КОРОНАВИРУСНИНГ ЯНГИ ШТАММИ ТАРҚАЛИШИ ВА АЙРИМ ДАВЛАТЛАРДА ЭПИДЕМИОЛОГИК ВАЗИЯТНИНГ ЁМОНЛАШУВИ МУНОСАБАТИ БИЛАН:

жорий йилнинг 21 декабридан 2021 йилнинг 10 январига қадар Буюк Британия, Италия, Германия, Дания, Австрия, Австралия, Нидерландия ва Жанубий Африка Республикаси билан ХАЛҚАРО АВИАРЕЙСЛАР (КИРИШ, ЧИҚИШ ВА ТРАНЗИТ РЕЙСЛАР) ТЎХТАТИЛАДИ.

Ушбу давлатларда доимий истиқомат қилувчи фуқаролари бўлмаган шахслар ҳамда сўнгги 14 кун давомида мазкур давлатларда бўлган учинчи давлат фуқаролари юқоридаги чеклов амал қилган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киритилмайди.

Сўнгги 14 кун давомида ушбу давлатларда бўлган ҳолда, учинчи давлатлар орқали Ўзбекистонга кириб келаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролари бўлмаган шахслар 14 кунлик карантинга олинади.

Манба: Республика махсус комиссияси қарори.

Муносабат

МУНОСАБАТНИ ҲАЛ ЭТИШ БУГУННИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИ

Яқинда Президентимиз томонидан қилш мавсумига тайёргарликда йўл қўйилган камчиликларни ҳал этиш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида одамларни йўлга ташланди. Таҳлил этилиб, унинг ечимлари муҳокама этилди. Мутасаддиларга тегишли топшириқлар белгилаб берилди.

Видеоселектор давомида кўтарилган масалалар ижроси қай даражада таъминланяпти? Камчиликлар қандай бартараф этилади? «Халқ сўзи» мухбирлари айрим вилоят ҳокимларига шу саволлар билан мурожаат қилишди.

2-саҳифага қаранг.

Халқ вакиллари — хуудларда

ДЕҲҚОНОБОДЛИКЛАР СПИКЕР ЎРИНБОСАРИДАН КЎМАК СЎРАДИ

Парламент аъзоларининг ўз сайловчилари билан юзма-юз учрашувининг аҳамияти жуда катта. Бу фақат аҳолини қийнаётган муаммоларни ўрганиш, ҳал этишга кўмаклашиш билангина боғлиқ эмас. Йўл танобини тортиб, сайловчи хузурига бориш, ҳол-аҳвол сўраш, яшаш шароитларини ўрганиш, ўй-фикрлари, тафаккури ва орзу-мақсадлари ҳақида қизғин суҳбатлар қуриш сайловчи ва депутат ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлайди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари Актам Ҳайитовнинг Деҳқонобод туманининг олис тоғ ёнбағирларида жойлашган Боғчорбоғ хуудидидаги "Чашмимирон" маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли қишлоқларда истиқомат қилувчи сайловчилари билан учрашуви ҳам жуда қизғин ва кутаринки рўхда ўтди.

Очик мулоқотлар чоғида дастлаб маҳаллий аҳоли вакиллари, оксоқоллар депутатининг жорий йилда тоғи хулудга тўрт марта келганини, қишлоқ врачлик пункти қуришга кўмаклашганини, қолверса, ҳуқуқий маслаҳатлар берганини алоҳида эътироф этишиб, қишлоқ одамлари хузурига келиб, улардан ҳол-аҳвол сўрагани учун халқ вакилига самимий миннатдорлик билдиришти.

Шундан сўнг сайловчилардан нон маҳсулотлари тайёрлайдиган қорхона, минерал ўғитлар савдо дўкони барпо қилиш, шунингдек, ёш оилаларга боғ яратиш учун субсидия ажратилиши оид муҳожаатлар келиб тушди.

Учрашувда ишсизлик ва ичимлик суви муаммосини ҳал этиш, хууддаги 10-мактабнинг шароитларини яхшилаш, хусусан, иситиш тизимини йўлга қўйиш, Чашмимирон қишлоғидаги касб-хунаро коллежи биносини ўзбек тилига ихтисослаштирилган мактабга айлантириш ва бошқа шу каби масалалар ўрганилиб, уларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Спикер ўринбосарининг учрашувлари Деҳқонобод туманининг Белибойли хуудидидаги "Оқтош" маҳалла фуқаролар йиғинида давом этди.

Юзма-юз, самимий мулоқотлар давомида хууд аҳолиси тоғ ёнбағирларидаги фойдаланилмай турган ерларда боғ барпо этиш, талабгор ёшларга ер ажратиш масалаларида ёрдам сўради. Халқ вакили ушбу ташаббусларни қўллаб-қувватлаб, бу масалалар доим ёрдамга тайёрлигини билдирди.

Оқтош қишлоғи аҳолисини қизқиртирган саволларга депутат томонидан атрофлича жавоб қайтарилди, зарур ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

МАСАЛАЛАР ЎЗ ЕЧИМИНИ ТОПДИ

Қонунчилик палатаси депутати Дилмурод Исмоилов шу йилнинг 17-21 декабрь кунлари Наманган вилоятидаги 43-Дўстлик сайлов округида бўлиб, ўз сайловчилари билан очик мулоқотлар ўтказди.

Учрашувлар жараёнида фуқароларнинг ақсарият муҳожаатлари жойида ўз ечимини топди. Хусусан, Наманган шаҳридаги "Юксалиш" ва "Атланган гузар" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисини ташвишга солаётган муаммолардан бири — бу суюлтирлан газ билан ўз вақтида таъминланмаётгани ва кўмирга бўлган эҳтиёжнинг юқорилиги.

Депутатнинг саъй-ҳаракати билан мақзур масала мутасадди идоралар билан қаморликда қисқа вақт ичида ҳал этилди. Шу куннинг ўзида ушбу маҳаллалардаги 100 та хонадонга суюлтирилган газ баллонлари ҳамда 11 яриям тоннадан ортиқ кўмир етказиб берилди.

Шунингдек, фуқаролар томонидан "Юксалиш" маҳалласида сўнгги йилларда олиб борилган қурилиш ишлари юзасидан ҳам эътирозлар билдирилди. Қайд этилганидек, ҳозир маҳалла хуудидида кенг мекёсда қурилиш ишлари олиб борилмаётган. Айни чоғда эскирган уй-жойлар ҳам талай, улар орасида, хатто авария ҳолатидагилар ҳам бор. Учрашувда фуқаро Гутиева Маддиева шу масалани кўтарди.

Маълум бўлишича, яқинда 7 ва 8-қўп қаватли уйлар таъмирдан чиқарилган. Бирок ишлар сифатсиз бажарилгани учун дастлабки ёвнарчиликдан кейинроқ томдан чакка ўтган. Ушбу масала ҳам депутат

тат ва Давлатобод тумани ҳокимлиги мутасаддилари томонидан ўрганиб чиқилиб, қисқа фурсатда амалий чоралар кўрилиши белгиланди.

Депутат томонидан вилоятда ёшларнинг таълим-тарбия олишлари учун яратилган шароитлар ҳамда ихтимойи соҳа объектиларининг қуз-қиш мавсумига тайёрлигини ҳам ўрганилди. Хусусан, ўрганиш жараёнида 48-умумтаълим мактабида 2 400 дан зиёд ўғил-қиз таълим олаётгани маълум бўлди. Аслида эса мактаб 1 200 ўринга мўлжалланган. Шу боис машғулотларни икки навбатда ташкил этишга тўғри келмоқда. Бу эса, албатта, биринчи қийинчиликлар туғдирмоқда. Демак, янги ўқув биналарини қуриш масаласи кун тартибига қиймоқда.

Педагог ва ўқувчилар билан ўтказилган суҳбатда жисмоний тарбия ва спорт дарсларини ўтказиш учун ҳам шароитлар етарли эмаслиги маълум бўлди.

— Ушбу мактабдаги муаммоларга халқ таълими бўлими ўз вақтида эътибор қаратмаган, — дейди Қонунчилик палатаси депутати Дилмурод Исмоилов. — Спорт инвентарлари масаласини ҳоимийлар ёрдамида ҳал қилиб беришнинг зиммага олдим. Аммо кутубхона кенгайтириш муаммоси ҳам бор. Буни депутатлик сўрови орқали ҳал қилиш мумкин, деб ҳисоблайман. Унда китоб фондини янги адабиётлар билан тўлдириб масаласини ҳам қўйлади.

ЗАМОНАВИЙ БОҒЧА ҚУРИЛАДИ

Парламент қуий палатаси депутати Мавжуда Ҳасанова Сурхондарё вилояти Узун туманида ўрганишлар олиб бормоқда.

Депутат дастлаб Узун тумани 2-сектор хуудидида фуқаролар билан учрашув ўтказди. Унда фуқароларнинг тақлиф ва мулоҳазалари, муаммолари тингланди, халқ вакили иштирокчиларни қизқиртирган саволларга атрофлича жавоб қайтарди.

Учрашув давомида сайлов округи хуудидидаги аҳолининг қундалик турмуш тарзи билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Ҳар бир масала юзасидан тегишли тартибда маъсулларга қўрсатма ва тавсиялар берилди.

Узун тумани "Баҳористон" маҳалла фуқаролар йиғини Носир Рамазонов кўчасида яшовчи аҳолининг трансформаторни таъмирлаш, электр симёғочларини алмаштириш ҳамда қурилиш кўчасига қумшагал тўкиш масаласи бўйича йўллаган муҳожаати жойида ўрганилди. Трансформаторни таъмирлаш масаласи туман электр тарқатиш қорхонаси томонидан шу кун-

нинг ўзида ижобий ечимини топди.

Навбатдаги учрашувда "Қарашик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳикматилло Бобоев хууд аҳолисини яшаш хонадонларидаги захлиқдан қийналиб қолганини, шу боис 32 хонадондаги зах сувларни тортиш, канални ва 2 километрлик дренажни тозалаш ишларини олиб бориш зарурлиги бўйича муҳожаат қилди. Муҳожаат жойига бориб ўрганилган, депутат бу бўйича тегишли вазирликка депутатлик сўрови юборадиган бўлди.

Узун туманидаги "Дўстлик" маҳалласида яшовчи фуқаролар эса хуудда мактабгача таълим ташкилотини қуриш бўйича тақлиф билдирди. Халқ вакилининг аралашуви билан ушбу тақлиф ҳам ижобий ҳал қилинди — 2021 йилда хуудда замонавий боғча қуриладиган бўлди.

Зиёда АШУРОВА («Халқ сўзи»).

МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ БУГУННИНГ ДОЛЗАРЪ ВАЗИФАСИ

Президентимиз видеоселектор йиғилишида Янги йил байрамига ҳозирлик хусусида тўхталар экан, бозорларда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш, арзон ва сифат кўрсаткичлари бўйича давлат стандартлари талабларига тўлиқ жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари савдосини ташкил этиш вазифаларини белгилаб берди. Зеро, янги йил оила даврасида нишонланиб, дастурхон тўкинлиги, хонадоннинг чароғон ва иссиқлиги одамларнинг байрам кайфиятини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади.

Ҳеч ким эътибордан четда қолмайди

Навоий вилоятида давлатимиз раҳбарининг таъйинларидан келиб чиққан ҳолда, байрам тайёрлиги билан боғлиқ чора-тадбирларимизга бир қатор ўзгартриш ва қўшимчалар киритдик. Чунончи, вилоятнинг барча шаҳар ва туман марказларида, деҳқон бозорлари ҳамда аҳоли гавжум нуқталарида жами 16 та савдо ярмаркаси ташкил этилиб, уларнинг савдо расаларидаги маҳсулотларнинг нархи бозордагидан 10 фоиз арзон бўлиши таъминланади.

Бунинг учун бозорларимизга, ярмаркаларга қўшимча маҳсулотлар чиқариш зарур бўлади, албатта. Шу сабабдан бугунги кунда вилоятдаги тайёрлов қорхоналари билан етказиб берувчи 342 та фермер ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги қорхоналари ўртасида шартномалар тузилиб, маҳсулотлар жағғарилиди. Шунга қўра, вилоят бўйича яратилган жами 23291 тонна, шундан 12 мингдан тоннадан ортиқ картошка, 6242 тонна пиёз, 3033 тонна сабзи ва 2013 тонна гуруч маҳсулотлари захирасидан эҳтиёж ва талабга қўра ярмарка савдоларига чиқарилмоқда.

Савдо ярмаркаларида қўшимча равишда тадбиркорлар жалб қилинган ҳолда, "даладан — дўконгача" ҳамда "ишлаб чиқарувчидан — истеъмолчигача" тамойили асосида гуруч, гўшт, балиқ, шакар, ёғ, картошка каби жами 38 турдаги асосий озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси ташкил этилди.

Шунингдек, вилоятимиз бўйича 300 дан ортиқ "маҳаллабай" мобил савдо ярмаркаларини ташкил этиш, улар орқали аҳоли тураржой массивларида арзон ва сифати кафолатланган озиқ-овқат ҳамда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари савдосини йўлга қўйишни режалаштирганмиз.

Қобул ТУРСУНОВ, Навоий вилояти ҳокими.

ЖОЙЛАРДАГИ ҲАҚИҚИЙ АҲВОЛ ҚАНДАЙ? ПАРЛАМЕНТ ЮҚОРИ ПАЛАТАСИ АЪЗОЛАРИ ТОМОНИДАН ШУ МАСАЛА ЎРГАНИЛМОҚДА.

Шу кунларда Олий Мажлис Сенатида доимий асосда ишловчи сенаторлар хизмат сафари билан жойларда бўлиб турибди. Бундан қўланган мақсад, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш, бозорлардаги нарх-наво барқарорлиги ва қиш мавсумини беталафот ўтказиш юзасидан жойларда қўрилган тайёрликлар ишларини ўрганиш ҳамда аниқланган муаммо ва камчиликларни мутасаддилар билан биргаликда бартараф этишдан иборат.

Хўш, бу жараён қандай кечяпти?

Сенатор ва ҳаёт

Болалар учун яратилган шароит қониқарли, деб топилди

Олий Мажлис Сенати Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси Б. Алиханов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Қорақалпоғистон Республикаси Ҳўжайли туманида бўлди.

Ишчи гуруҳ томонидан аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш, бозорлардаги нарх-наво барқарорлиги, қиш мавсумини беталафот ўтказиш бўйича жойлардаги ҳақиқий ҳолатни билиш мақсадида бир қатор объектлар ўрганилди.

Масалан, тумандаги 1-Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болаларга яратилган шароит ва қулайликлар билан танишилди ва ҳолат қониқарли, деб топилди. Ўз навбатида, болажонларга

байрам совғалари улашилди. Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари "Ҳўжайли деҳқон бозори"даги шарт-шароит ва қулайликлар, Янги йил байрамини арафасида ихтимойи аҳамиятга эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари таққилигининг вужудга келмаслиги ҳамда нарчларнинг муътадил сақланишини таъминлаш бора-сида амалга оширилётган чора-тадбирлар билан танишилди.

Нархларнинг сунъий оширилишига йўл қўйилмайди

Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси О. Иминов Сурхондарё вилоятининг туман ва шаҳарларида бўлиб, деҳқон бозорларида нарх-навоини ўрганди. Янги йил байрам олдидан ташкил этилган савдо ярмаркаларидаги озиқ-овқат ҳамда қишлоқ ҳўжа-

лиги маҳсулотларининг нархи ва сифати кўздан кечириди. Бу жараёнда ҳар бир ярмарка асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан нечоғли таъминланганлиги, нарх-наво асосида равишда охиб кетишининг олдини олиш юзасидан қандай чоралар қўриляётганига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Аниқланишича, расталардаги картошка, пиёз, сабзи, гуруч, кенг асортиментдаги озиқ-овқатлар, қайта ишланган маҳсулотлар ўзининг сифати ва мақбул нархи билан эътиборни тортмоқда. Жойларда ташкил этилаётган бундай савдо ярмаркалари, ўз навбатида, бозорларимиз тўқинлиги, нарх-наво барқарорлигини таъминлаш билан бирга, аҳолига байрамона кайфият бағишламоқда.

Сенатор, шунингдек, мутасадди ташкилотлар вакиллари билан бирга хуудларда гўшт, шакар, гуруч, ўсимлик ёғи ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари захираси ҳолатини ҳам ўрганишти. Айни чоғда аҳоли ва ихтимойи соҳа объектиларга электр энергияси, табиий ва суолтирилган газ, кўмир маҳсулотлари етказиб бериш масаласи қандай ҳал этилаётгани ҳам эътибор марказида турибди.

Чоралар белгиланаётганда аҳолининг ҳақиқий эҳтиёжи ҳисобга олинганми?

Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси

Озиқ-овқат барқарорлиги таъминланади

Бугунги кунда халқимизни узлуксиз равишда сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш энг муҳим вазифаларимиз сирасига қиради. Фарғона вилояти аҳолиси эҳтиёжи учун жорий йилнинг қуз-қиш мавсумидан 2021 йил 1 майгача бўлган даврда 81,6 минг тонна картошка, 37,7 минг тонна пиёз, 29 минг тонна сабзи, 18,5 минг тонна гуруч, 132,8 минг тонна ун маҳсулотлари, 35,7 минг тонна гўшт, 35,3 минг тонна парранда гўшти, 20,8 минг тонна шакар, 18,3 минг тонна балиқ, 393,3 миллион дона тухум талаб этилиши ҳисоб-китоб қилинган.

Озиқ-овқат маҳсулотларини кафолатли захира қилиш мақсадида вилоят ҳокимлиги хузурда "Фарғона вилоятида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш жамғармаси" ташкил этилиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши қарорига асосан, учинчи чорак даромадлари режасини ошириб бажарилган қисми ҳисобидан 10 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бугунги кунгача 4,5 миллиард сўмлик аҳоли эҳтиёжи учун озиқ-овқат маҳсулотлари захираси яратилди.

Бундан ташқари, "темир дафтар"да мавжуд эҳтиёжманд 22 650 оилага 5 миллиард сўмлик бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Шунингдек, 10 та импортёр қорхона томонидан октябрь — декабрь ойлари давомида 15,3 минг тонна картошка, 2,9 тонна ўсимлик ёғи, 1,2 минг тонна шакар, 0,4 минг тонна гўшт маҳсулотлари олий келинми савдога чиқарилди.

Вилоятнинг Фарғона, Қувасой, Марғилон шаҳарлари ва барча туманлардаги деҳқон бозорларида шу йилнинг 31 декабригача чорвачилик йўналишидаги фермер ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги қорхоналари томонидан 200 та савдо шохобчаси ташкил этилиб, "даладан — истеъмолчигача" тамойили асосида аҳолига арзон нархларда 700 тонна мол гўшти, 650 тонна парранда гўшти, 300 тонна балиқ, 7,5 миллион дона тухум маҳсулотлари етказиб берилиши режалаштирилди. Шунингдек, вилоятнинг йирик шаҳарлари ҳамда

туманлар марказларидаги 506 та маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи аҳолининг асосий турдаги маҳсулотларга бўлган талабини узлуксиз таъминлаш мақсадида 504 та "Экобозор" ташкил этилди.

2020-2021 йил қиш-баҳор мавсумида аҳоли ва ихтимойи соҳа муассасаларининг асосий турдаги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида 84 542 тонна картошка, пиёз, сабзи ва гуруч захира қилинди.

Президентимизнинг шу йил 16 декабрь кунги видеоселектор йиғилишида берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида захира маҳсулотлари сақланадиган ҳар бир омборхона ва советкичи сиғимлар эгалари бўлган тадбиркорлик субъектлари, шаҳар ва туман ҳокимлари билан қиш ва баҳор ойларига маҳсулотларини бир метрда ички бозорга чиқариб сотилиши ва нархлар барқарор сақланиши бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди.

Вилоятнинг барча деҳқон бозорлари ва савдо комплексларида Янги йил байрамини ярмаркалари ташкил этилиб, арзон нархда кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари ва байрам совғалари сотуви йўлга қўйилди.

Ҳайрулло БОЗОРОВ, Фарғона вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МДҲГА РАИСЛИГИ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Ўзбекистон Президенти томонидан билдирилган яна бир тақлиф — МДҲни 2030 йилгача бўлган даврда иқтисодий ривожлантириш стратегияси ҳамда МДҲ иштирокчи-давлатларининг транспорт соҳасида 2030 йилгача бўлган даврдаги ҳамкорлик устувор йўналишларининг таққилиниши МДҲ мамлакатлари ўртасидаги кооперацияни чўқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, МДҲни келгуси ўн йилликда янада ривожлантириш Концепциясининг қабул қилиниши, шубҳасиз, Ўзбекистон раислигининг энг муҳим натижаси ҳисобланади.

Саммит яқунлари ўлароқ, Президентимиз ташаббуси билан рақамлаштириш, транспорт, санаят, меҳнат, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорликни янада чўқурлаштириш бўйича "йўл хариталари"нинг қабул қилиниши эса МДҲ доирасида барча соҳада амалий шерикликни янада ривожлантириш билан мамлакатимиз саъй-ҳаракатларининг иштирокчилар томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланганидан далолат беради.

Умуман айтганда, мамлакатимизнинг жорий йилда МДҲга раислиги натижаларини сарҳисоб қилиб, Ўзбекистон Ҳамдўстлик доирасида анча самарали фаолият олиб борганини тўлиқ асос билан айти оламиз. Ўзбекистон томонидан яқин ва ўрта истиқбол учун билдирилган амалий тақлиф ҳамда ташаббусларнинг ҳаётга изчил таътиб этилиши, шубҳасиз, МДҲнинг нуфузини янада юксалтиришга, аъзо мамлакатлар ўртасидаги кооперацияни чўқурлаштиришга, Ҳамдўстлик халқлари ўртасидаги дўстлик ва ишонча асосланган ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қодир ЖўРАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси ўринбосари.

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ ТАШЛАДИК

Шу боис мамлакатимизда мусулмонлик байрами ҳар йили кенг нишонланади. Келаётган йилда эса ушбу қутлуг шодибаннинг 30 йиллик тўйини ўзгача тарзда нишонлаш, бунинг учун жиддий тайёрларлик кўриш мақсад қилинди. Бу борадаги аниқ қўрсатма, вазифа ва топшириқлар давлатимиз раҳбарининг қарориди белгилаб берилди. Ушбу ҳужжат ижросини таъминлаш эса барчамиздан катта маъсулият ва фидойилик талаб қилади.

Умуман, Ватанимизнинг энг улуг, энг азиз айёмига истиқлолимизнинг ўттиз йиллигига монанд тарзда тайёрланган кўриб борамиз. Бу борада турли маънавий-маърифий тадбирлар, фестивал ва ижодий лойиҳалар ўтказилади. Бу, ўз навбатида, бир томондан халқимизнинг маъсулиятини оширса, иккинчи томондан, ҳар хил ижодий ташаббусларни рағбатлантириши билан эътиборга молик.

Абдурахим ЭРКАЕВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Дилором ИМОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси.

АКАДЕМИК МИРҲОЖИ АСҚАРОВ

Ўзбекистон илм-фани оғир жудоллик учради. Атоқли олим, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Мирҳож Асқаров 89 ёшда вафот этди.



М.Асқаров 1931 йил 30 апрелда Тошкент шаҳрида туғилди. 1953 йили Москва кимё-технология институтини тамомлаб, ушбу институтнинг аспирантурасида таҳсил олди.

Меҳнат фаолияти давомида илмий изланишларни изчил давом эттириб, 1957 йилда номзодлик, 1967 йилда докторлик диссертациясини химоя қилди. 2000 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Истеъдодли олим қарийб 65 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Тошкент политехника институтини (ҳозирги Тошкент давлат техника университети) катта ўқитувчиси, Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси институтини директорга мудир, директори, Кимё институтини директори, Тошкент тўқимачилик ва енгил соноат институтини кафедра мудирини, профессори каби лавозимларда самарали меҳнат қилди.

Академик М.Асқаров ўзининг бутун ҳаётини мамлакатимизда илм-фан ва таълим соҳаларини ривожлантиришга бағишлаган фидойи инсон эди.

Заҳматқаш олимнинг кўплаб илмий ишланма ва тадқиқотлари бугунги кунда ҳам республикамиз кимё соноати соҳасида кенг қўлланиб, иқтисодийетимиз тармоқлари ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда. Юқори молекуляр бирикмалар кимёси соҳасининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган 600 дан зиёд илмий мақолалари, китоб ва монографиялари юртимизда ва хорижий мамлакатларда кенг эътироф этилган.

Жонқуяр устоз кўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ бериб, ўнлаб фан номзодалари ва фан докторларини тайёрлади.

Ийрик олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Мирҳож Асқаровнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБЕКОВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ

«КЎРИНМАС ЁВ» ЁНИМИЗДА: ЭҲТИЁТ БЎЛАЙЛИК! БЕПАРВОЛИК — ЎЗИНГИЗГА, ЯҚИНЛАРИНГИЗГА, ХАЛҚИМИЗГА ХИЁНАТ.

Энг ачинарлиси, ушбу хавфли дард юзлаб инсонларни орамиздан олиб кетди. Улар орасида таниқли давлат арбоблари, илм-фан, адабиёт, санъат ва маданият намояндalари борлиги барчамизга маълум. «Кўринмас ёв» билан аёвсиз курашда олдинги қаторларда борган, ўз ҳою ҳавасини унутиб, ўзгаларнинг ҳаётини сақлаб қолишни муқаддас бурчи деб билган кўплаб жаҳоҳир инсонлар — шифокор ва ҳамширалар вафот этди. Кутилмаган жудодиллар миллионлаб қалбларга унсиз фарёд, ғам-алам солди.

Сўнгги маълумотларга кўра, бутун дунёда мазкур хасталикдан ҳаётдан кўз юмганлар сони шу кечакундузда 1 миллион 710 минг нафардан ошиб кетди.

Айтиш мумкинки, коронавирус таҳдиди бутун Ер юзи аҳолиси учун ҳамон кескин. Бироқ... Ёнверимизга эътибор билан қарасак, бугун айрим юртдошларимиз бу гапларни худди ўтиб кетган кечаги тушдек ёки ёш болага айниладиган эртақдек қабул қилаётганини кўриб, ҳайрон қоламиз. Баъзилар ҳатто кўпчилик йиғиладиган жойларда, жамоат транспортларида ҳам ниқоб тақмай кўйди. Ўзаро ижтимоий масофа сақлаш-ку бутунлай унутилди, десак, муволага эмас. Чойхона кафедрлар, кўнгилоқлар масканлар пандемиядан олдин қандай гавҳум бўлса, бугун ҳам деярли шундай. Тўйхона ресторoнларда гўмбургумбур оилавий тадбирлар, тантаналар авжида. Боғу хиёбонларда бошини бошига қўйиб, кулишиб ўтирган жуфтликларга ёки кучоқлашиб қўришаётган қадрдонларга (пандемия даврида бу ҳаракатни қадрдонлик деб бўлмайдик) «Ҳой, инсофчилар борми? «Кўринмас душман» ҳали ён-атрофимизда, касаллик ҳали тарқатгани йўқ, бу нима қилиқ?» десангиз, ажабланиб қарайди. Сўзингизни озгингиздан чиқмай

ёқангизга ёпиштирадиганлар ҳам бор: «Ишингиз нима? Мен касал эмасман!»

Аслида, ҳамма бало мана шундай муносабатдан бошланади. «Мен касал эмасман, ён-веримиздагилар ҳам бинойидек юришибди-ку», дея хотиржам бўламиз. Шахсий гигиена ва тозалик тартиб-қоидаларига бефарқ қараймиз. Одамларнинг карантин талабларини кўр-кўрона бузаётгани, масалан, ниқоб тақмай юрганини лоқайдларча кузатамиз. 30 кишилиқ тўю базмларимиз катта тантаналарга айланиб кетса-да, парво қилмаймиз...

Кўза эса кунда эмас, кунда синади. Касалликка чалиниб, ўлим шарпаси кўз олдимизда намоён бўлганида ақлимиз кирди. Аммо унда кеч бўлади. Биз чиқмоқчи бўлган поезд аллақачон ўтиб кетган бўлади. Вақт эса оқар сув мисоли ортга қайтмайди. Ачинарлиси, нафақат ўзимиз, балки яқинларимиз, атрофдаги кўплаб инсонларнинг шу балога йўлиқишида айнан биз, бизнинг бебарволигимиз, ўз соғлигимизга бефарқлигимиз, жамиятга лоқайдларча муносабатимиз сабабчи бўлади.

Бу хавотирларимиз ортиқча ҳажонга берилиш эмас. Ахир бугунги кунда ҳам шифохоналаримизда коронавирусдан беморлар даволанмоқда. Юртдошларимиз турли сабаблар билан хориқга бориб-келиб туришибди. Янги йил байрами яқинлашаётган айни кезларда томоша сайиллар қизгандан қизиб бормоқда.

Шу кунларда чет мамлакатларда пандемия янги бир чўққига чиққани ҳақида оммавий ахборот воситаларида тинмай бонг урилмоқда. Шу сабаб ушбу ҳудудларда карантин чек-



ловлари янада қатийлаштириляпти. Масалан, Туркияда карантин чекловлари жуда жиддий қулайтирилди. Ҳозир бу ерда ҳафта охирида икки кун кўчага чиқиш тақиқланган. Бартибга риоа этмаганларга катта миқдорда жарима қўлланилмоқда. Кучли эпидемиологик вазият боис 20 декабрдан Буюк Британиянинг жануби-шарқиди ва Лондонда максимумал туртинчи даражадаги чекловлар жорий этилди.

Боз устига, Буюк Британия, Дания, Нидерландия, Австралия ва яна бир қатор давлатларда коронавируснинг янги тури аниқланганини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳам тасдиқлади.

Хатарлиси шуки, инглиз олимларининг қайд этишича, коронавируснинг мутацияга учраган янги тури олдин маълум бўлган штаммларга қараганда тез тарқалади. Жумладан, Буюк Британия Бош вазирини Борис Жонсон ушбу мутация ҳосиласи вирусининг бошқа турларига қараганда 70 фоиз тез тарқалишини айтиб ўтди.

Лондон Империял коллежи про-

мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киритилмаслиги белгиланди.

Шунингдек, сўнгги 14 кун давомида Буюк Британия, Италия, Германия, Дания, Австрия, Австралия, Нидерландия ва Жанубий Африка Республикасида бўлган ҳолда учинчи давлатлар орқали юртимизга кириб келаётган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар 14 кун давомида карантинга олиниши белгилаб қўйилди.

Демак, вазият чиндан ҳам жиддий. Ахир бундай чекловлар мамлакатимиз учун кўплаб иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради. Моддий йўқотишларга қарамай, халқимиз соғлиги, эртанги тинч-хотиржам ҳаёти учун кескин чоралар қўриляётган айни кунларда кўнгли майлига бўйсуниб, қандайдир майда ҳою ҳавасларимизни деб, бебарволикка йўл қўйишнинг мумкинми?! Аслида, бу саволга «Асло, йўқ!», деб жавоб беришимиз, қилаётган ишларимизни чуқур тафаккур этиб виждонимизни қийналиши керак. Бинобарин, мудроқ кайфиятдан кутилмас эканмиз, эзгу орзу-ниятларимиз рўёби кечикаверди.

Шундай экан, Президентимиз юртимизда ilk беморлар қайд этилган кунларда қатий таъкидлаган қуйдаги фикрлар бугун ҳам ниҳоятда долзарб:

«Бир нарсани аниқ тушуниб олиш лозим. Бизда аниқланган касаллар сони кам-ку, 100 тага ҳам етмайди, хавотирга ўрин йўқ, деб хотиржам бўлиш хиёнат ҳисобланади. Чунки, коронавирус менга юкмайди деб бефарқ юрганлар нафақат ўзининг, балки она-ониси, фарзандлари, атрофидагилар, қолаверса, бутун халқимизнинг соғлиги ва ҳаётини катта хавфга қўйишни чуқур англаб етиши керак!»

Демак, «кўринмас ёв» ёнимизда ҳам, эҳтиёт бўлайлик. Бебарволик — ўзингизга, яқинларингизга, халқимизга хиёнат.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»)

Давлат субсидияларидан нечоғли фойдаланиляпти?

Пойтахтимизда Олий Мажлис ҳузурдаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари, ташкилот ва идоралар раҳбарлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари қатнашди.

Комиссия йиғилишида

Йиғилишда Ўзбекистон экологик ҳаракатининг давлат субсидияси доирасида 2019 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи эшитилди.

— Атроф-муҳит муҳофазаси ва шу мақсадларга ажратилган ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида қабул қилинган ҳужжатлар ижросини таъминлашда давлат ва нодавлат органлари, жамоатчилик ва бошқа тузилмалар масъулиятини ошириш мақсадида мингга яқин тадбирлар ташкил этилди, — дейди Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий кенгаши Иброҳим Қўмитаси раиси ўринбосари Саидрасул Сангинов. — Ўзбекистон экологик ҳаракати ва унинг депутатлар гуруҳи ўртасида самарали ҳамкорлик механизми йўлга қўйилгани натижасида ҳисобот даврида 14 та назорат-таҳлил тадбири ўтказилди. Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда етти та жамоатчилик эшитувлари ўтказилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Экологик партияси билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида «Оролга мадад» шиори остида жайрия акцияси ўтказилди. Оролнинг қуриган тубида ўрмонзорлар барпо этиш штабига 400 кг. саксовул уруғлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Тадбирда шунингдек, «Тараққиёт стратегияси» маркази, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги Халқ дипломатияси маркази, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Халқаро пресс-клуб нодавлат нотижорат ташкилоти, «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази раҳбарлари ҳам давлат субсидияси доирасида ўтган йил давомида амалга оширилган ишлар хусусида ҳисоботларини тақдим этдилар.

Халқаро пресс-клуб нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобот йили даврида жами 91 та турли форматдаги тадбирлар уюштирган ва «Тет-а-тет» лойиҳаси доирасида ўнга яқин кўрсатув тайёрланиб эфирга узатилган бўлса, «Юксалиш» умумиллий ҳаракати томонидан давлат органлари ва халқ

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»)

Кўприк қурилишининг тамал тоши қўйилди

Президентимизнинг Хоразм вилоятига ташрифи чоғида Ўзбекистонда Амударё бўйлаб Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасини боғлайдиган қарийб 413 метр узунликдаги автомобиль ҳамда темир йўл кўприги қурилиши ҳақида маълум қилинган эди.

Бунёдкорлик

Бугун ана шу кўприк қурилишининг тамал тоши қўйилди. Шу муносабат билан ўтказилган тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари О. Раматов қатнашиб, иштироқчиларни эзгу иш бошлангани билан табриқлади.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, мазкур кўприк Амударё туманини ҳозирги

«А-380» йўли билан боғлаб турувчи ўтган асрнинг 80-йилида қурилган (понтон) кўприк ўрнига қурилади. Ушбу қурилиш лойиҳаси доирасида Шовот туманидан Қораўзақ туманигача 79 километрлик темир йўл қурилиши ҳам назарда тутилган.

Ғайрат ОТАЖОНОВ («Халқ сўзи»)



Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

Йил якуни сарҳисоби ва истиқболдаги режалар

Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг ўн бешинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда Сирдарё вилояти ҳокими Ғофуржон Мирзаевнинг вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2020 йил якунилари ҳамда 2021 йилги долзарб вазифалар тўғрисидаги мурожаати эшитилди.

Маҳаллий Кенгашларда

Вилоят ҳокимидаги мурожаатда таъкидланганидек, яқинлаётган йил худуд аҳли учун икки қарра синовли кечди. Сабаби пандемиядан ташқари, «Сардоба» сув омборида юзага келган техноген вазият сирдарёликлар учун яна бир синонов бўлди. Унинг оқибатларини бартараф этиш борасидаги кенг қўламли ишлар эса халқимиз ҳамжihatлиги, давлатимиз қудратининг ҳаётини намунасига айланди.

Техноген вазиятдан талафот кўрган ҳудудларда Президентимиз бошчилигида қисқа муддат ичда улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари бажарил-

ди. Бутун мамлакат қурвучилари иштирокчида 1 800 дан зиёд бетон панелли уйлар тўлиқ таъмирланди, 3 та 2 минг 640 жонданчи шахарча 150 кун ичда қуриб битказилиб эгаларига топширилди.

Вилоятда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида саноят, хизмат кўрсатиш ва сервис, қишлоқ ҳўжалиги йўналишларида умумий қиймати 1 триллион 360 миллиард сўмлик 279 та лойиҳалар амалга оширилди. Натижда 4 минг 631 та янги иш ўрни яратилди. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 1,5 баробарга зиёддир.

Шунингдек, йил давомида 186,3 миллион АҚШ доллари миқдорда хорижий инвестициялар киритилди. Жами 178 миллион долларлик экспорт амалга оширилди. Хорижий инвестиция лойиҳаларининг ҳаётга татбиқ этилиши туфайли саноят маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуввати 8,3 триллион сўмга, экспорт ҳажми эса 50,7 миллион долларга ортди. Сирдарё туманидаги Европа технологиялари асосида полипропилен қоғлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Сирдарё Мега Локс» қўшма корхонаси ҳамда Гулистон туманидаги замонавий қийим-кечак ҳамда калава «Ил маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Милитек Сирдарё» каби янги корхоналарни бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Яна бир эътиборли жиҳат шуки, йил якуни билан вилоят янги худудий маҳсулот ҳажми 11 триллион сўм ёки 100,4 фоизни ташкил этиб, белгиланган прогноз даражасида таъминланди. Мурожаатда вилоят бюджетининг 2020 йил учун даромадлар режаси ҳам

ортиғи билан таъминлангани айтилди. Бандликни таъминлаш кўрсаткичи ўтган йилга нисбатан 14,1 фоизга ўсган, ҳисобот даврида 6 955 та оилага 228 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилган. «Хар бир оила — тадбиркор» давлат дастурига кўра, 5 653 нафар фуқаро ва тадбиркорлик субъектларига 181 миллиард сўм кредит берилган. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш натижасида 280 та кичик бизнес субъектларининг фаолияти тикланди. «Сирдарё» ЭИЗда жорий йилда қиймати 219 миллион долларлик 32 та лойиҳа амалга оширилиб, 3 355 та янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, мурожаатда камбағалликни камайтириш, «темир дастур»га киритилган меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлаш, коронавирус пандемияси даврида аҳолининг ижтимоий ҳўямага муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишлар бўйича ҳам ахборот берилди.

Вилоят деҳқонлари эришган ютуқлар,

қишлоқ ҳўжалигида кластер тизимини жорий қилиш, суғоришнинг теҳамкор технологияларини қўллаш, қорамолчилик, паррандачилик, балчиқчилик ва асалари-чилик йўналишда амалга оширилган лойиҳалар самаралари ҳам таъкидлаб ўтилди. Озиқ-овқат хавфсизлиги, нарх-наво муътадиллигини таъминлаш, қолаверса, ижтимоий масалалар, аҳолини табиий ва суолтирилган газ, ичимлик суви билан таъминлаш, таълим, тиббиёт соҳаларида амалга оширилган вазифаларга алоҳида ўргу берилди.

Ҳунда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар баён қилинди. Сессияда мурожаат юзасидан депутатлар томонидан саволлар берилди ҳамда тақлифлар билдирилди.

Сессия ишида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Адҳам Иқромов иштирок этди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»)

ЭЗГУ ҒОЯЛАР РЎЁБИ

Россия Федерацияси Президентининг сўзларига кўра, муаммо ва қийинчиликларга қарамастан, МДХ аъзолари ўртасидаги давлат раҳбари йўналишларида ривожланишда давом этди. “Давлат раҳбарлари кенгашининг бугунги йўналишида тасдиқлаш учун тайёрланган қарор ва қилишлар пакети ҳам шундан дарак беради. Бунинг учун ўзбек дўстларимизга яна бир бор миннатдорлик билдириш керак”, деди Владимир Путин.

Шавкат Мирзиёевга МДХ раиси сифатида олиб борган фаол ва сермажсул фаолияти учун Беларусь давлати раҳбари Александр Лукашенко ҳам миннатдорлик сўзларини айтди: “Хозиргидаги мураккаб бир шароитда ўз миссиясини бажаришга тўғри келган ўзбек дўстларимизнинг маҳоратига тан бераман”.

Тожикистон Фанлар академияси Осиё ва Европа мамлакатлари муаммоларини ўрганиш институтининг катта илмий ходими Виктор Кимнинг фикрини ўзига хос хулоса, дейиш мумкин. Экспертнинг айтишича, Ўзбекистоннинг барча давлатлар учун қалтис бир йилдаги МДХга раислиги ҳамдўстлик тарихида жуда катта аҳамиятга эга бўлади. Айнан Ўзбекистон МДХ фаолияти ва истиқболли учун жуда зарур бўлган янги йўналишларни киритди.

Ўтмиш ва келажак орасида

Янги Ўзбекистон фақат сиёсат соҳасида эмас, балки маданий-гуманитар ва тарихий маънода ҳам жуда қанот ёзди. Мамлакатимизнинг буюк меросига бағишланган тадбирлардан бирида қатнашган америкалик олим, Марказий Осиё ва Кавказ институтининг асосчиси Фредерик

ва ипак маҳсулотларининг энг йирик экспортчиси бўлган мамлакат бугун шу санъатни қайта тикламоқда. Бутун дунёга машҳур Самарқанд қоғози, Дамашқ пўлатидан ясалган пичоқлар, металл, сопол ва фаянсдан қилинган бежирим идиш-товоқларни ишлаб чиқариш ҳам жуда муҳим. “Бу санъат турларининг барчаси янги Ўзбекистонда узоқни кўрувчи, ўтмиш ва

Биз атрофда юз бераётган ишларга чуқур ёндашиб, аниқ баҳо бера бошладик. Пандемия авжига чиққан кунларда бизнинг мамлакатимизда барча хатти-ҳаракатлар инсоннинг, ҳар бир фуқаронинг ҳаёти ва саломатлигини сақлашга хизмат қилганини кўрдик.

Ушбу курашдан Ўзбекистон жуда кам, лекин афсуски, йўқотишлар билан чиқишга эришаётми. Ҳатто ана шундай, бутун дунё учун оғир бўлган вазиятда ҳам олдинга юриш, улкан режаларни амалга ошириш, ислохотларни давом эттириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳада ўзгаришларни рўёбга чиқариш мумкин бўлди.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарор яна бир бора ортга назар солиб, бажарилган ишларнинг аҳамиятини аниқлаш, шу билан бирга, олдинда кутаётган муаммоларни ҳал этиш ва истиқболли режаларни белгилаш учун имкониятдир.

Биз — ўз аждодларининг азалий орзулари рўёбга чиққанини кўриш насиб этган авлодмиз. Бунинг учун кўплаб қийинчилик ва синовларни енгиб ўтишга тўғри келди. Биз улардан шараф билан чиқарилган, негаки, Ватанга чексиз муҳаббат, эзгу ғоялар ҳамда миллий мустақилликка содиқлик туфайли янада чидамли ва кучли бўлиб бормоқдамиз.

Мустақиллик даврида, айниқса, кейинги йилларда Ўзбекистон учун улкан аҳамиятга эга бўлган жараёнлар — давлат мустақиллиги асосларини мустаҳкамлаш, тарихий йотуқларни янада кўпайтиришнинг шохиди бўлди ва бевосита иштирок этдик. Бу қандай қувонч, қандай фахр ва бахт! Унга ҳаммамиз ўз ишмииз, ўқишимиз, иқдомимиз билан, фуқаролар хотиржамлиги ва Ватанимиз суверенитетини ҳимоя қилиш билан ҳисса қўшдик.

Фахрланишга ҳақлигимиз. Ахир қачондир қолоқ бўлган Ўзбекистон жадал ривожланмоқда, замонавий, очик ва демократик давлатга айланиб бормоқда. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган, узоқни кўзловчи сиёсат туфайли, “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” ғоясини изчил рўёбга чиқариш асосида барча соҳа ва тармоқлар барқарор ривожланиб, тўсиқлар бартараф этиляпти. Одамларнинг фаровонлиги яхшиланяпти, уларнинг онги ва дунёқараши ўзгариб, ижтимоий-сиёсий фаолиги ортапти.

Хўрмат ва ўзаро тушуниш

Ўзбекистонда Конституция ва қонунлар устуворлигини таъминловчи самарали ҳамда барқарор тизим “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир”, деган тамойилга асосланишни ҳатто йилроқдаги Кувейт аҳолиси ҳам билади. “The Times Kuwait” газетасида ёзилишича, мамлакатда, энг аввало, ҳар бир кишининг Асосий қонун билан кафолатланган маалаки тиббий хизматдан фойдаланиши ва ишончли ижтимоий ҳимояни таъминлаш учун барча имконият ишга солинадил. Шунингдек, яна бир муҳим конституциявий қоида асосида фуқароларнинг барча соҳалардаги, айниқса, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқариш учун чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқ-тартибот органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини ривожлантириш, уларнинг жамиятнинг демократик ислохотлар жараёнига жалб қилиш, миллий маънавий қадрият ва анъаналарни сақлаш ҳамда кўпайтириш ишларидаги иштироки ва таъсирини кучайтириш бўйича узлуксиз иш олиб боришмоқда.

Таълим, фан ва техника, инновациялар, sanoat, АКТ сингари соҳалар салоҳиятини ошириш масалалари биринчи ўринга чиққан. Аграр тармоқ ҳам илгир услуб ва юқори технологияларга асосланиб ривожланмоқдаки, бунга яқин-яқингача тасаввур ҳам қилиш қийин эди. Қурилиш ва ободонлаштириш, коммунал хизматлар кўламини кенгайтириш, сифатини ошириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани тақомиллаштириш ишлари мамлакат бўйлаб, айниқса, олис ҳудудларда изчил давом этапти. Ижтимоий соҳа ислохотларида аҳолининг соғлом турмуш тарзи учун шароит яратиш, саломатлигини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш биринчи қатордаги вазифалар ҳисобланади.

Мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш, ноёб лойиҳа ҳамда дастурларни рўёбга чиқариш хусусий мулкни ривожлантириш ва устуворлигини таъминлаш, унинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг миллий иқтисодиётдаги улуши ўсиб боришини таъминламоқда.

Хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш янги сифат босқичига чиқди. Халқаро экспертлар қайд этганидек, кейинги вақтда Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги роли сезиларли равишда кучайди, бунга сабаб давлатимизнинг инсонпарварлик ва демократик тараққиёт ғояларига содиқлигидир. Ёрқин бир мисол сифатида келти-



Суратлар: “Халқ сўзи” фотокорреспондент олимиди.

риш мумкинки, 2020 йилда мамлакатимиз БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо бўлди. Бу эса Ўзбекистоннинг кейинги йилларда инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ташаббуслари жаҳонда эътироф этилаётганидан далolat. Унинг ҳаётига татбиқ этилаётгани булун мамлакатимиз бўйлаб кузатиш мумкин.

Жамиятимизда, шунингдек, эътиқод эркинлиги масалаларига катта эътибор ва ҳурмат билан қаралади. Яқинда Америка Қўшма Штатлари Давлат департаменти томонидан Ўзбекистон диний эркинлик соҳасидаги “Махсус қузатувдаги давлатлар рўйхати” дан чиқарилгани ҳам шундан.

Турли миллат ва элат вакиллари “Ўзбекистон — умумий уйимиз” шiori остида ҳамжиҳатликда яшаб, елкама-елка меҳнат қилмоқда.

Бу Ўзбекистон раҳбарининг фаол сиёсати самараси, деб ҳисоблайди “Жанубий Кавказ” сиёсатшунослари клуби (Озарбайжон) раҳбари Илгар Вализода.

— Мен Ўзбекистон ва ушбу меҳмондўст мамлакатнинг турли шаҳарларида кўп мартабта бўлганман. Ҳеч қачон оддий фуқаролар ёки ижро ҳокимияти вакиллари билан нисбатан ноҳуш муносабатини сезмаганман. Ўзбекистонда баррикенглик устувор давлат сиёсати даражасига кўтарилган, — дейди у. — Мамлакатда насроний православ епархияси, яҳудий ва бошқа дунё динларига мансуб ибодатхоналар фаолият юритади. Ўзбек

“Биз — ўз аждодларининг азалий орзулари рўёбга чиққанини кўриш насиб этган авлодмиз. Бунинг учун кўплаб қийинчилик ва синовларни енгиб ўтишга тўғри келди. Биз улардан шараф билан чиқарилган, негаки, Ватанга чексиз муҳаббат, эзгу ғоялар ҳамда миллий мустақилликка содиқлик туфайли янада чидамли ва кучли бўлиб бормоқдамиз.”

Жамияти ва ҳукумати Конституция тамойилларига риоя қилган ҳолда, мамлакатда яшовчи турли диний гуруҳ вакилларига ҳурмат билан муносабатда бўлмоқда. Шу таразда миллий оқоимийлик ва тотувлик таъминланмоқда.

Ўзбекистон бошқа динларга ҳурмат кўрсатилмаётган давлатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин. Мамлакатда диний конфессиялар ўртасидаги ҳамкорлик ўзаро ҳурмат ва англашув тамойиллари асосида ривож топмоқда. Ўзбекистонда азалдан шундай бўлиб келган ҳамда бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки бу — ўзбек халқи табиати хос фазилатидир.

Ўз навбатида, бунга қўшимча сифатида айтиш мумкинки, халқимиз менталитетида Ватанга, озолик ва адолатга муҳаббат каби қадриятлар ҳам муҳассам. Айнан улар Ўзбекистон Республикаси номили мустақил давлатнинг суверенитетга эришиши ва тараққиётида хал қилувчи куч бўлган. Ўзининг 30 йиллигини қарши олаётган мамлакат бу қадриятларни нафақат йўқотмади, балки янада ривожлантирди.

...Оққан дарё оқмай қолмас. Йиллар йилларга уланаверади. Юксак манзилларни кўзлаган халқ янада жиқлашиб, илдам одимлайверади. Бугун олиб борилаётган улғувор ишлар, эришилаётган баланд марралар тарих зарварларига олтин харфлар билан битилиб, мамлакатимизда янги Ренессанснинг пойдевори бўлганини келажак авлод юксак шараф ва фахрифтхор билан ёдга олади. Зеро, айнан бугун халқимизнинг эзгу орзулари рўёбга чиқмоқда.

Ўткир РАҲМАТ.



Старр айтганидек, Ўзбекистоннинг маданий бойлиги минтақавий ҳамда умуминсонийдир, у барча чегаралардан холи. — Ўзбекистонга ташриф буюриб, унинг ўзига хос меросига, шарафли ўтмиш ҳақида сўзловчи архитектурасига, Бухоро, Самарқанд, Хива ва бошқа шаҳарларнинг буюк ёдгорликларига жуда тез ошно бўласан, киши, — дея эътироф этади Ф. Старр. Экспертнинг фикрича, қадимдан пахта

лар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида пайдо бўлган.

Даврларга муносабатимиз ўзига хос. Тарихий хотира ҳам кучли. У аждодларимиз фаолиятини қамраб олар экан, ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтиш мумкин.

Ўтиб бораётган йилдаги воқеа-ҳодисалар ҳам, гўё тарих чигиринларида акс этган каби тушунлиққа тушмаслиққа, аксинча, ҳаётни янгина англашга ўргатади.

Туризм

Анджон вилоятининг Хонобод шаҳри “Истиклол” МФЙ ҳудудидаги “Хон тоғ” адири устида 1000 та дала-ҳовли бунёд этилди. Шаҳарнинг энг юқори қисмида жойлашган бу маскан ўзининг бетакрор табиати ҳамда иқлими билан нафақат ички, балки ташқи сайёҳлик салоҳиятини ҳам оширади.

«ХОН ТОҒ» АДРИ УСТИДА 1000 ТА ДАЛА-ҲОВЛИ

Навбатдаги муҳим масала, бу мавжуд имкониятларни дам олувчи сайёҳларга еткази олиш, уларга сифатли хизмат кўрсатишдан иборат. “Хон Dacha” масъулияти чекланган жамияти ана шундай тизимли вазифини амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйгани диққатга сазовор.

— Хонободга иккинчи марта келишим, — дейди корейлик сайёҳ Ли Дэ Жун. — Аввалги сафар шаҳарни мустақил тарзда айлангандим. Айниқса, унинг табиати менга маъқул келганди — ҳавас ва ҳайрат оғушида қолганим рост. Бироқ шаҳарни яхши билмаганим боис сайёҳлик манзиллари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлолмагандим. Бу сафар “Хон Dacha” МЧЖ орқали дала-ҳовли банд қилишни ва баҳаво жойларга боришни режалаштирганман. Муҳими, бизга яратилган бу қулайликдан мамнунмиз.

Ҳудудда сайёҳлик масканларини янада обод қилиш, меҳмонларнинг маданий дам олишлари, халқ хунармандчилиги ва анъанавий урф-одатларимиз билан танишишлари учун барча шароитни яратиш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда.

Саминжон ХУСАНОВ
(“Халқ сўзи”).

Реклама ўрнида

EYVALEK TECHNOLOGY
жамоаси

халқимизни яқинлашиб келаётган

Янги ~ 2021 йил

билан самимий муборакбод этади!

Янги йилда барча эзгу ниятларингиз ушалсин.

Оилангиздан тинчлик-хотиржамлик,
дастурхонингиздан қут-барака аримасин!

«EYVALEK-TECHNOLOGY» МЧЖ жамоаси.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1256. 29 828 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Ташрифта келган қўғамлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета ташрифт компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуготчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.30 Топширилди — 01.05 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши